

## Қарзимни бериб қўй



06:01 / 22.11.2018 3131

Маҳмун Курдийдан ривоят қилинади: “Урва Баззор вафот этгач, тушимда уни кўрдим. У: “Фалончи мешкобчидан бир дирҳам қарзим бор, уйимдаги кичкина дарчанинг ичида турибди. Уни олгин-да, эгасига тўлаб қўй”, деди. Уйфонгач, мешкобчи билан учрашдим ва: “Сенинг Урвада бирор нарсанг бормиди?” деб сўрадим. У: “Ҳа, бир дирҳам пулим бор эди”, деди. Урванинг уйига кириб, дарчадаги дирҳамни топдим ва мешкобчига бериб қўйдим”.

**“Солиҳлар гулшани” китобидан**